2015 йил 27 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 176 – 177 (12.989 – 12.990)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 130 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 254 730 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 254 730 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 156 310 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2015 йилнинг 1 сентябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 26 август*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор”

**Рустамова Зебихон Якубовна** — Тошлоқ туманидаги “Заркент саховати” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Халимбетов Бахтиёр Юлдашович** — Гурлан туманидаги “Истиқлол самар” фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор”

**Бешимов Мухаммад Бегматович** — “Аму-Бухоро” машина каналидан фойдаланиш вилоятлараро бошқармасининг Олот тумани бошқармаси насос агрегатлари машинисти, Бухоро вилояти

**Раимкулов Шакарбай Суханович** — “Қуйи Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Шўрўзак-Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор”

**Мирзаев Балтабай Кудайбергенович** — Томди туманидаги “Керизбулоқ” ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

**Намазов Тулкин Ибатович** — Нишон туманидаги “Нишон” қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи”

**Абдуллаева Рўзихон Бозоровна** — Олтинкўл туманидаги “Пилла” давлат корхонаси агрономи, Андижон вилояти

**Сулаймонова Салима Абдурахмоновна** — Норин туманидаги “Бош пиллахона” масъулияти чекланган жамияти агрономи, Наманган вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”

**Матмуратов Кенесбай Ембергенович** — “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятининг “Устюрт геофизика экспедицияси” филиали отряд бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Разикулов Абдусамат Абдуганиевич** — “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи смена устаси, Тошкент вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”

**Исмаилов Кадир Вахидович** — “12-трест” акциядорлик жамиятининг 52-қурилиш бошқармаси комплекс бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Исломов Даврон** — “Бинокор” қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Кадиров Бахадир Тухтаевич** — “Термиз таъминот” саноат-қурилиш корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими”

**Закиров Зоир Таджибаевич** — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси йўл устаси, Жиззах вилояти

**Рузиев Рустам Васикович** — Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти директори

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”

**Исхаков Нодир Суннатуллаевич** — “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Янгиобод телефон боғламаси бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими”

**Харлап Геннадий Викторович** — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ватанпарварлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

**Абдиев Суюн Мажитович** — Қарши туманидаги “Абдиев Мажид” фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Аллаяров Яхшинар Норбобаевич** — Самарқанд давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультети доценти, Самарқанд вилояти

**Артиқов Кенжабой** — “Давсувхўжаликназорат” инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори

**Бердиева Зумрат Бобокуловна** — Олот туманидаги “Юқори Олот” қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

**Ибрагимова Фарида** — Чиноз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

**Исмоилова Жумагул Тўлановна** — Булоқбоши туманидаги “Учкўча” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Каримов Кенес Айтмуратович** — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Қаршиев Абдисамат Асатович** — Хатирчи туманидаги “Оқолтин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Нарджигитова Бахринсо Эгамкуловна** — Гулистон тумани “Гулистон ҳаёти” газетаси бош муҳаррири, Сирдарё вилояти

**Суюндиков Равшан Худайназарович** — Зарбдор тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Жиззах вилояти

**Умаров Иброхимжон Саматович** — Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг чақалоқлар ва болалар хирургияси бўлими мудири

**Файзуллаев Турсунбай** — Наманган давлат университети профессори, Наманган вилояти

**Шарипова Мадина Каримовна** — Республика “Она ва бола скрининги” маркази директори

**Эргашова Хатича Исаевна** — Шўрчи туманидаги “Ялти” шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

### “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

**Байзаков Аззамжон Камолович** — “Учтепадавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

**Буриев Нириддин Абдуллаевич** — “Ўзнефтгазқазибчиқариш” акциядорлик компаниясининг “Жарқўрғоннефть” акциядорлик жамияти геология бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Имомова Махсуда Мамасадиковна** — “Сирдарё иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг кимё цехи смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Кадиров Камилжон** — Андижон шаҳридаги “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати” масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи, Андижон вилояти

**Каримов Махсетбай Исмайлович** — “Ўзгеобурғунефтгаз” акциядорлик компаниясининг “Устюрт қидирув-бурғулаш бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти бурғуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қодиров Бозор Раимович** — “Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси” давлат корхонаси директори, Бухоро вилояти

**Мукумов Суярбай Эгамбердиевич** — Жомбой тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

**Назирова Дилором Носировна** — Риштон туманидаги “Мискин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Нишанов Комилжон Солижонович** — Мингбулоқ тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Наманган вилояти

**Саидов Толиб Маматович** — “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг истиқболли тараққиёт, инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича директори, Навоий вилояти

**Содиқов Пўлат Йўлдошевич** — “Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонасининг “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонаси чилангари, Тошкент шаҳри

**Тангриев Эркин Жавлиевич** — “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонасининг маркшейдер бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




*1992 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил топди.*

## “ЁШЛИК” ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: БАРКАМОЛ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ушбу ҳудуднинг умумий ер майдони 658 гектардан иборат бўлиб, 9 та маҳалла ва 126 та кўп қаватли уйлар, 19 та таълим муассасалари жой олган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника, Турин Политехника университетлари, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент маданият, хизмат кўрсатиш ва сервис, Олмазор политехника ҳамда тиббиёт коллежлари, Глиэр номидаги РИМАЛ ҳамда юқорида номлари айтилган олий таълим муассасалари қошида очилган академик лицейлар ва бир қанча малака ошириш институтлари жойлашган.

Шаҳарчада Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази, ЎзМУ, ТДТУ, ТТА, ТМИ, Тошкентдаги Турин политехника университети спорт мажмуаларида турли мусобақалар ўтказиб келинади.

(“Ёшлик” талабалар шаҳарчасига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Президентимизнинг жорий йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Ариран” қариялар уйида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Навоий вилоятининг Кармана туманида ёш оилалар учун барпо этилган 64 хонадонга мўлжалланган “Камолот” уйи фойдаланишга топширилди.**

**• Наманганда “Ишбилармон талаба” стипендияси кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

**• Жиззах вилоятининг Зомин туманида йилига 200 минг дона компьютер мониторинги ишлаб чиқариш қувватига эга “TRUST ELECTRONICS” масъулияти чекланган жамияти шаклида ташкил этилган хорижий корхона ишга туширилди.**

**• Мамлакатимизда энг азиз, энг улуғ байрам – мустақиллигимизнинг 24 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда Бухоро шаҳрида “Ширин” болалар маркази фойдаланишга топширилди.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШнинг “Apple” компанияси савдога чиқарилган “iPhone 6 Plus” русумидаги смартфонларнинг бир қисмини қайтариб олади. Гап шундаки, 2014 йилнинг сентябрь ойидан 2015 йилнинг январига қадар сотилган ушбу алоқа воситаларининг камераларида камчилик борлиги аниқланган. Ушбу нуқсон тасвирларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.**

**• 2016 йилда Ҳиндистоннинг Керала штатидаги Кочин шаҳрида қуёш энергияси тизими жорий этилган халқаро аэропорт фаолият бошлайди. Бу ҳақда шаҳар маъмурияти маълум қилди. Иншоотга электр манбаини 46 мингдан ортиқ қуёш панеллари етказиб беради. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан келгуси 25 йил ичида атроф-муҳитга 300 минг тонна заҳарли модда тарқалишининг олди олинади.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Турдиев Таир Адилович** — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон" локомотив депоси электровоз машинисти, Тошкент вилояти

**Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна** — Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

## "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Абдулаҳатов Нортожи** — Шеробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

**Абулкасимов Шадихужа Турсунович** — "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамиятининг йиғув мажмуаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Алиев Ғофир Қуватович** — Хатирчи тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Бағбажанов Эгамберган Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Хоразм вилояти бош бошқармаси бошлиғи

**Жўраева Зайнабхон Дилмуродовна** — Янгиқўрғон туманидаги "Зарбдор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Комолов Салохиддин** — Шаҳрихон туманидаги "Тоштепа" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Махаматов Зафар Эргашбоевич** — "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонаси бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

**Махкамов Худайкул** — Боёвут туманидаги "Маҳкамов Жаҳонгир" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Мирджалалов Анвар Илясович** — "Ўзбекэнерго" акциядорлик компаниясининг "4-монтаж бошқармаси" акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Тошкент вилояти

**Набиев Анвархон Мадаминович** — "Фарғонаазот" акциядорлик жамиятининг азот кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Фарғона вилояти

**Негматов Шухрат Худойбердиевич** — Иштихон тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Сапаров Каллибек Узакбаевич** — "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонаси цех устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хаккулов Абдужаббор** — "Жиззах аккумулятор заводи" акциядорлик жамиятининг электродлар цехи устаси, Жиззах вилояти

**Худайбердиев Аброр Жабборович** — "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Бухоро вилояти

**Худаяров Асилбек Анварович** — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

**Хужамурадов Зиядулла Эшкобилович** — "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компаниясининг "Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси" масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Қашқадарё вилояти

**Хусенов Шерзод Ўткирович** — "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси бош директори

**Шеркулов Абдирасул Нартажиевич** — "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятининг майдалаш бўлинмаси тегирмон машинисти, Навоий вилояти

## "Дўстлик" ордени билан

**Абдуллаева Озада Хасановна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бўлим бошлиғи

**Азамов Шавкатжон Бегжонович** — "GM O'zbekiston" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими етакчи муҳандис-технологи, Андижон вилояти

**Алиев Мурожон Бокиевич** — Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари

**Аллакулов Панжи Эгамбердиевич** — Муборак тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Амиркулов Очилди Примович** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Узун тумани таянч пункти директори, Сурхондарё вилояти

**Артикходжаев Жахонгир Абидович** — "Артел Инжиниринг" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Атемов Ускенбай** — Юқори Чирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Ахмедов Абдулла Мухитович** — "Ўзбекэнерго" акциядорлик компаниясининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Батиров Даниёр Эгамбердиевич** — Боёвут тумани ҳокими, Сирдарё вилояти

**Беловол Николай Тихонович** — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси геология-геофизика бўлими бош геологи, Навоий вилояти

**Ваисов Мураджан Сапарбаевич** — Урганч шаҳридаги "Мегасфера" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Хоразм вилояти

**Гарифуллина Флюра Султановна** — Гулистон шаҳар телекоммуникация боғламаси етакчи муҳандиси, Сирдарё вилояти

**Горцунов Александр Эдуардович** — "Самарқанднур" давлат унитар корхонаси участка бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Ембергенова Оразгул Реймовна** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали директори

**Жололов Акмалжон Насирдинович** — Олтинкўл тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Жумабоев Алишер Гофурович** — "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" унитар шўъба корхонасининг технологик цехи қурилма бошлиғи, Фарғона вилояти

**Иноғамов Асқар Акромович** — Жиззах шаҳридаги "Жиззах Пластекс" қўшма корхонаси бош директори, Жиззах вилояти

**Ким Леонид Владимирович** — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг "Қалмоқир" кон бошқармаси экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Қосимов Азамат Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти директори

**Мамадалиев Ғайратали Турғунович** — Риштон тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Мойлиев Абдирасул Бердиёрович** — "Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг қозон турбина цехи бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Рахмонов Бахтиёр Султонович** — Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммунал хўжалик, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Турапов Усмон Янгибаевич** — Жарқўрғон тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

**Умаров Бахтиёр Ганиевич** — Наманган туманидаги "Истиқлол текстиль дизайн" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

**Худойкулов Аваз Бўриевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг 17-йўл машина станцияси йўл таъмирловчиси, Бухоро вилояти

**Шарахметов Шахрух Шатургунович** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

**Юсупов Рустам Фархадович** — "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

## "Шуҳрат" медали билан
(100 ёшдан ошганлар)

**Аллаберганова Фотима** — Янгиариқ тумани, Хоразм вилояти
**Амонова Тўхта** — Шофиркон тумани, Бухоро вилояти
**Бердалиев Анарбай** — Оҳангарон тумани, Тошкент вилояти
**Ганиева Салима** — Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент шаҳри
**Жаббарова Жумагул** — Боёвут тумани, Сирдарё вилояти
**Жололов Абдубарис** — Балиқчи тумани, Андижон вилояти
**Камалов Таштемир** — Учқўрғон тумани, Наманган вилояти
**Нарбутаева Бувсара** — Булунғур тумани, Самарқанд вилояти
**Севаров Кудрат** — Касби тумани, Қашқадарё вилояти
**Хўжаев Бойдада** — Фарғона тумани, Фарғона вилояти
**Шайманов Норқобил** — Шеробод тумани, Сурхондарё вилояти
**Шамуратова Бегзада** — Шуманай тумани, Қорақалпоғистон Республикаси
**Шокирова Хайри** — Жиззах тумани, Жиззах вилояти
**Юлдашева Умит** — Хатирчи тумани, Навоий вилояти

## "Жасорат" медали билан

**Абдуллаева Азиза Абдувалиевна** — Пахтакор туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Жиззах вилояти

**Азимов Абдурасул Рахимович** — Нурота туманидаги хусусий тадбиркор, Навоий вилояти

**Аликулов Зокиржон Шамшиддинович** — Яккабоғ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Қашқадарё вилояти

**Жумаев Жасур Алимбоевич** — Республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, Тошкент шаҳри

**Исамитдинова Зумратхон Абдужабборовна** — Оқолтин туманидаги "Асад-Фарход-Азиз" фермер хўжалиги пиллачиси, Сирдарё вилояти

**Исроилов Қобилжон Камилович** — Булоқбоши туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Андижон вилояти

**Кутлумуратов Сергей Абишович** — Элликқалъа туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мирзабоев Шокир Хурсандович** — Паркент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти

**Орипов Илҳом Исмоилович** — Жондор туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Бухоро вилояти

**Тиляходжаев Аббаз Музафарович** — Фарғона саноат касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хамраева Муборак Мадримовна** — Хонқа туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Хоразм вилояти

**Хидиров Мусурманкул Джураевич** — Ангор туманидаги "Хидиров Мусурмонкул" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Шерматова Фатима Абдурашидовна** — Тўрақўрғон туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Наманган вилояти

**Эсанова Дилшода Мусабековна** — Пайариқ туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти

## "Содиқ хизматлари учун" медали билан

**Асамов Дилшод Дамирович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Мусаев Амиртемирхон Фатихович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Рихсиев Аюпхан Гиясович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

## "Шуҳрат" медали билан

**Абдижапаров Атхам Уринбаевич** — "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамиятининг клинкер куйдириш бўлинмаси айланма печ машинисти, Тошкент вилояти

**Абсаттаров Зиваддин Садекович** — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясининг "Устюртгаз" унитар шўъба корхонаси "Урга" газ қазиб чиқариш участкаси устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Азимов Носиржон Мамиржанович** — Сирдарё туманидаги "Peng Sheng" қўшма корхонасининг керамика маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи устаси, Сирдарё вилояти

**Аккулов Иномжон Норбутаевич** — "Электрқишлоққурилиш" акциядорлик жамиятининг Сирдарё вилояти 3-механизациялашган колоннаси электр монтёри

**Алимбаев Алавитдин Комилович** — "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати" акциядорлик жамияти цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Алламуродов Абдихалил Содиқович** — "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" унитар корхонасининг лаҳим ўтиш комбайни машинисти, Қашқадарё вилояти

**Алланазаров Тилеген Сайпович** — "Қуйи Амударё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Суенли" ирригация тизими бошқармаси "Алтинкўл" ирригация тармоғи муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аскаров Мирзохид Хакимжонович** — Наманган шаҳридаги "UzChasys" қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, Наманган вилояти

**Астанов Шароф Турсунович** — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясининг "Газлинефтгазқазибчиқариш" унитар шўъба корхонаси нефть ва газ қазиб чиқариш оператори, Бухоро вилояти

**Атабуллаев Кутлимурот Сулаймонович** — "Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамияти устаси, Бухоро вилояти

**Атамурадов Хушмурад** — Касби туманидаги "Ғалаба" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Атхамов Хусан Арзматович** — "Махсустранс" давлат ишлаб чиқариш бошқармасининг "Яккасарой-Махсустранс" автокорхонаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Ахмедова Азизахон Абдухафизовна** — Сариосиё туманидаги "Буйрапуш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Ахранова Икболхон Рахматуллаевна** — Мирзачўл туманидаги "Иқболхон-Маржона" хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Ахроров Убайдулла Муратович** — "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки департамент директори

**Ашуров Сарвар Ғаниевич** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

**Бабакулов Тиловберди Хожикулович** — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг 166-йўл машина станцияси машинисти, Сурхондарё вилояти

**Бегмирзаева Азизахон Курбоновна** — Бешариқ туманидаги "Узун" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Берданов Максетбай Исакбаевич** — "Тахиатош иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бокиев Султанмурад Маннонович** — Шаҳрисабз туманидаги "Чоштепа" масъулияти чекланган жамияти раиси, Қашқадарё вилояти

**Болтаев Зайнобидин Тошходжаевич** — "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Марҳамат тумани бўлинмаси раиси, Андижон вилояти

**Буриев Махмуд Юлдошевич** — "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив экспедициянинг шимолий коллекторлар мелиоратив тизими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Васин Александр Васильевич** — "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Бош коммутация маркази" филиали шаҳарлараро автоматик телефон станция цехи бошлиғи

**Гайбуллаев Елбай Ембергенович** — Кегейли туманидаги "Пахтакеш" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ганиев Юлдаш Уринович** — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси қуюв цехи бошлиғи, Навоий вилояти

**Ғаниева Ойниса** — Юқори Чирчиқ туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Гаппорова Хулкар Азаматовна** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Навоий вилояти Кенгаши қошидаги "Ёшлар маркази" тўгарак раҳбари

**Давлетназаров Алишер Аскарович** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қораўзак тумани Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Давлетов Кувондик Жуманиязович** — "Хоразмйўлқурилиш" корхонаси автогрейдерчиси, Хоразм вилояти

**Дададжанов Жахонгир Тахирджанович** — Андижон шаҳридаги "Uraland" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Андижон вилояти

**Джабборов Зафар Зарипович** — "Ўзбекгеофизика" акциядорлик жамиятининг "Амиробод кон-геофизика экспедицияси" филиали отряд бошлиғи, Бухоро вилояти

**Джанқараев Джура Кошаевич** — Термиз тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Сурхондарё вилояти

**Довранова Манзура Абдуллаевна** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Нуробод тумани таянч пункти директори, Самарқанд вилояти

**Душамов Одилбек Норметович** — "Шовот дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти тегирмон ишчиси, Хоразм вилояти

**Жакбарова Акибатхон Халимовна** — Балиқчи туманидаги "Мадина-97" масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Жиянбаев Отабек Эшдавлатович** — Шайхонтоҳур туманидаги "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Жумаева Фароғат Эшпулатовна** — Бухоро шаҳридаги "Daewoo Textile Bukhara" масъулияти чекланган жамияти бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

**Жураев Эркин** — Каттақўрғон шаҳридаги "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Зайнитдинова Зулайхо Нематхоновна** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси

**Зоиров Нашпандкул Саттарович** — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясининг "Мубораконефтгаз" унитар шўъба корхонаси технологик қурилмалар кузатувчиси, Қашқадарё вилояти

**Зохидов Файзулла Ташпулатович** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари

**Ибрагимов Махсуд Машарибович** — "Қўшкўпир МТП" акциядорлик жамияти механизатори, Хоразм вилояти

**Ибраимова Гулжахан Темирхановна** — Амударё туманидаги "Назархон" овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имамов Шерали Мирзасаидович** — "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти цех аппаратчиси, Тошкент вилояти

**Исаматов Равшан Тураевич** — "12-трест" акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Исмаилова Гулнора Шарифовна** — Фориш тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Жиззах вилояти

**Ишмахамедов Улугбек Тожибаевич** — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси "А-320" ҳаво кемаси командири

**Ишмуратова Зиёда Исраиловна** — Пастдарғом тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Самарқанд вилояти

**Кабулов Абдухамид Абдуллаевич** — "Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи катта машинисти, Тошкент вилояти

**Камбаров Мусакул Менглиевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шўъба мудири

**Камилова Саломат Шукуровна** — Қарши шаҳридаги "Қарши мебель" масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

**Касимова Нигора Худойбердиевна** — Самарқанд шаҳридаги "Bofanda" масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, Самарқанд вилояти

**Касимов Шухрат Юлдашевич** — "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг "Ер ости ишлари" филиали лаҳимчиси, Тошкент вилояти

**Косимов Саидасрорхон Холмухаммедович** — Андижон шаҳридаги "Uz-Tong Heung Company" қўшма корхонаси участка бошлиғи, Андижон вилояти

**Қосимов Хомидилло Тухтосинович** — "Кўприк қурилиш тресті" унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди чилангари, Тошкент шаҳри

**Қурбонова Нафосат Саттор қизи** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сурхондарё вилояти Кенгаши қошидаги "Ёшлар маркази" тўгарак раҳбари

**Мадиримова Султонпошша Ҳайитбаевна** — Урганч шаҳридаги "Анварбек-Аброрбек сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Хоразм вилояти

**Мамадалиев Козимжон Собирович** — Избоскан туманидаги "Тиллабоев олтин даласи" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Мамадалиев Марубжон Мусинжанович** — "Қувасойцемент" акциядорлик жамиятининг клинкер куйдириш участкаси айланма печ машинисти, Фарғона вилояти

**Мамадиев Маърифжон Махмудбоевич** — "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси асфальт ётқизиш механизми машинисти, Наманган вилояти

**Маманабиев Козимжон Тохирович** — Олтинкўл туманидаги "Андижон-пахта" акциядорлик жамиятининг таъмирлаш бўлими устаси, Андижон вилояти

**Маматов Мамуржон Мамадалиевич** — Фарғона шаҳридаги "Фарғона автотрансхизмат" масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Мансурова Дилбар Мухаммедовна** — Нурота туманидаги "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Навоий вилояти

**Маткурбанов Санъат Раззакович** — "Қўшкўпир қурилиш сервис" қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

**Махамадаминова Филура Эргашевна** — "Шофиркон пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича муҳандиси, Бухоро вилояти

**Махмудов Оллаберган** — Урганч туманидаги "Бекобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Махсимов Хужакул** — "Нуроний" жамғармасининг Нишон тумани бўлинмаси раиси, Қашқадарё вилояти

**Маякубов Хусан Каримович** — "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компаниясининг "Ўзбеккимёмаш заводи" акциядорлик жамияти техник назорат бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

**Менгбаев Мўмин Норбоевич** — "Шўрчи агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

**Мирзаулуков Азам Мирза-Азизович** — Сергели туманидаги "Tosh Bruschatka" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Мирсагатов Юлдаш Эргашевич** — "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компаниясининг "1-автокорхона" акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Мусаев Рустамжон Усмонжонович** — Фарғона шаҳридаги "UzSungwoo" қўшма корхонасининг пресслаш цехи устаси, Фарғона вилояти

**Мусаев Хамитджан Хасанович** — Олмазор туманидаги Комилжон Ғофуров номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Мухамедов Бехзод Нигматуллаевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги "Premium Alliance Paper" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Нармуратова Кунсулу Аленовна** — Конимех тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Навоий вилояти

**Насибалиев Бахром Юлдашматович** — "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг "Белазкўмир" филиали "БелАЗ" ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Норбаев Рустам Райимкулович** — "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонасининг 67-кўприк қурилиш отряди автокран машинисти, Тошкент шаҳри

**Остонов Исомиддин Аслонович** — Қоровулбозор туманидаги "Қоровулбозор" наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Бухоро вилояти

**Очилов Завқиддин Одилович** — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг 5-кон бошқармаси геотехнологик кони участка бошлиғи, Навоий вилояти

**Пардаева Зубайда Мусаевна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги "Пилла" шўъба корхонаси агрономи, Тошкент вилояти

**Пўлатов Муродилла Маликович** — "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг электр цехи бошлиғи, Навоий вилояти

**Ризаев Бахритдин Бердиевич** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Ғаллаорол тумани бўлими раҳбари, Жиззах вилояти

**Рустамова Турдихон Курбоновна** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Қўштепа тумани таянч пункти директори, Фарғона вилояти

**Садиқова Барчиной Думановна** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Шўрчи тумани бўлими раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Саликулова Рано Исмаиловна** — Олмалиқ шаҳридаги "Отабек" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент вилояти

**Сарибаева Периза Уралбаевна** — Нукус шаҳридаги "Nukus Textile" масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сейтназаров Нуратдин Пирниязович** — "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Нукус тумани бўлинмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сиражидинов Шухрат Шеркузиевич** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси, Тошкент вилояти

**Таженов Парахат Алламбергенович** — "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" акциядорлик жамиятининг "Тахиатошгидроэнергоқурилиш" унитар корхонаси қурилиш бўлими иш юритувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ташпулатов Турсунбай Уринбаевич** — Чуст туманидаги "Ғова" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Ташходжаева Мунира Джураевна** — Сергели туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Тошев Акрам Бобамурадович** — Пахтачи туманидаги "Пахтачисут" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Тошева Мамлакат Шоимовна** — Жондор туманидаги "Жондор Чашмаси" масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Тугилов Рахим Эргашевич** — "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

**Туляганов Бахриддин Нишанбаевич** — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Туляганов Рахматджан Исмаилович** — "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасининг ишлаб чиқариш цехи бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Турабаев Рустам Зохидович** — "Электрқишлоққурилиш" акциядорлик жамиятининг Наманган вилояти "Электрқурилмалари" ишлаб чиқариш корхонаси катта устаси

**Турапов Алим** — "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сирдарё тумани бўлинмаси раиси, Сирдарё вилояти

**Турдалиев Равшанжон Сайдахмадович** — "Фарғона иссиқлик электр маркази" акциядорлик жамияти смена бошлиғи, Фарғона вилояти

**Турсунов Ахрор Рахматович** — Бухоро шаҳридаги "Имом ал-Бухорий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**Тухтабаев Рашид Дедаханович** — "ЎзЭлектротерм" акциядорлик жамиятининг "Наманган Трансформатор" ишлаб чиқариш корхонаси прессловчиси, Наманган вилояти

**Увайдуллаев Акмал Джураевич** — Гулистон шаҳридаги "Акмалбек-Анварбек барака" хусусий корхонаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Умиров Абдихолиқ Зопирович** — Иштихон туманидаги "Зоир-Мансур" қурилиш корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Усманов Батир** — "Нуроний" жамғармасининг Миробод тумани бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри

**Усманова Гулнорахон Тургуновна** — Қўрғонтепа туманидаги "Бозорбоши" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Хайдаров Сулаймонкул Сатиболдиевич** — "Чортоқархитекқурилиш" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси, Наманган вилояти

**Хайдаров Уткир Эрназарович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

**Хайитов Абдулхошим Абдувахабович** — Андижон шаҳридаги "Uz-Dongju Paint Company" қўшма корхонасининг қурилиш ва саноат бўёқлари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Андижон вилояти

**Хакимов Ботир Хусанович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шўъба мудири

**Халиков Ахтам** — Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бош агрономи, Самарқанд вилояти

**Хамдамов Дониёр Закиржонавич** — "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди бурғулаш техникаси машинисти, Тошкент шаҳри

**Хамроев Феруз Ҳамдамович** — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

**Хасанов Анвар Адизович** — Навоий шаҳридаги "Қўшчинор гўшт" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Хасанов Анорбой Тоштемирович** — Зафаробод туманидаги "Ёруғлик" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Ходжаев Бахтиер Махаматович** — "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонасининг "Ўзбекистон" электродепоси машинисти, Тошкент шаҳри

**Ходжамкулов Қахрамон Сайиткулович** — "Ховос агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти механизатори, Сирдарё вилояти

**Ходжиматов Толиб Абиджанович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти

**Холиқов Салимжон Усарович** — "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Нарпай-Навоий" ирригация тизими бошқармаси экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

**Холмирзаев Аббос Омонович** — Данғара туманидаги "Имкон" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Холмирзаев Вахоб Мадаминович** — "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг "Karbonam" масъулияти чекланган жамияти участка бошлиғи, Наманган вилояти

**Худойбердиев Зокиржон Худойназарович** — "Кўприк қурилиш тресті" унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди монтажчиси, Тошкент шаҳри

**Хурамова Гулбахор Амоновна** — Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" қўшма корхонаси ип йигирувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хусанджанов Зуфар Дилмуратович** — "UNICON.UZ" – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонасининг ахборот муҳофазаси воситалари илмий-тадқиқот бўлими етакчи муҳандиси

**Хусанов Зафаржон Тоштемирович** — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси "Даугизтау" кони бош муҳандиси, Навоий вилояти

**Шимбергенов Мурат Адилбаевич** — Нукус шаҳридаги "Lesstroy" масъулияти чекланган жамияти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ширинов Рустам Хамидович** — "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари, Навоий вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 26 август*











# “ЁШЛИК” ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: БАРКАМОЛ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА







***Юртимизнинг барча гўшаларида Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида ҳам қутлуғ байрамимизни кўтаринки кайфият, ўзгача шукуҳ билан кутиб олиш борасида тайёргарлик қизғин паллага кирган.***

## ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ушбу масканда ёрқин ниятларни қалбларига жо этиб олган, ўзбек номини дунёга таратувчи, келажагимиз пойдеворлари бўлмиш ёшлар эртанги кунга ишонч кўзи ила боқиб дадил одимлар билан юксакларни забт этишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Мамлакатимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётган масканларидан бири бўлган шаҳарчамизда ўзининг билим ва салоҳиятлари билан она Ватанимиз байроғини янада юксакларга кўтаришга интилаётган ёшлар ўқиб, изланмоқдалар, — дейди “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимининг биринчи ўринбосари Самуғжон Ҳикматов. — Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланиши, янги ўқув дастурлари ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Дарҳақиқат, мустақилликни қўлга киритган диёримизда ёшларнинг билим олишлари, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Ал-Фаробий, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг ишларини давом эттиришлари учун кенг имконият эшиклари очиб берилмоқда. Бу қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ёшларимиз жаҳон майдонларида ўзларининг ақл-заковати ва устозларидан ўрганган кўникмалари асосида нуфузли ўринларни забт этиб келмоқдалар.

Шаҳарча ҳудудида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳаммаёқ ям-яшилликка бурканган, соя-салқин гўша барчага хуш ёқмоқда. Талабалар билан гавжум кўчалардан юрганда гул-у райҳонларнинг ифори димоғингизга урилади. Бундан кўриниб турибдики талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган ёшлар ҳамжиҳатликда, ҳашар йўли билан ўзлари турар жойларини тоза, озода сақлаб, обод қилишмоқда.

Яна шуни айтиш жоизки, талаба-ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ва мароқли ўтказишлари учун шаҳарчада қатор қулайликлар яратилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси “Аёллар куни”, пайшанба “Тозалик куни”, жума “Талабалар оқшоми”, шанбанинг “Спорт куни” деб аталишининг ўзи, бу гўшада қизғин ҳаёт давом этаётганини тасдиқлайди. Ишонамизки, навқирон авлод Ватанимиз равнақи ва ривожланиши йўлида яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланади ва мамлакатимиз нуфузини янада оширишга ҳаракат қилади. Зеро, келажак бугундан бошланади, бизнинг бугунимиз эса, ана шу истиқболи порлоқ, қалби эзгуликка тўлган ёшлардир.

## МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

***Шаҳарчага ташрифимиз давомида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети фаолияти билан ҳам танишдик.***

Ҳозирги вақтда мазкур олий таълим масканида 7 та – авиация, энергетика, электроника ва автоматика, геология ва кончилик иши, механика-машинасозлик, нефть ва газ, саноат тармоқларини бошқариш факультетларида йигит-қизлар таълим олиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Университетда ўн бир минг икки юздан ортиқ талабаларни соғлом фикрли, ўз касбининг етук мутахассиси этиб тайёрлашда 735 нафар профессор-ўқитувчи, шу жумладан, 5 нафар Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, 74 нафар фан доктори ва 314 нафар фан номзодлари таълим бериб, ўз билим-кўникмаларини ёшларга мунтазам равишда ўргатиб келмоқдалар.

— Тошкент Давлат техника университети мамлакатимиз иқтисодиёти учун нафақат техник ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи етакчи олий ўқув юрти, балки таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришда ҳам йирик илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади, — дейди университетнинг Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Анвар Алимов. — Университетимизда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари хўжалик шартномалари асосида “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Шўртангаз” ОАЖ, “Ўзбеккўмир” ОАЖ, “Ўзбекэнерго” ДАК ва бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Зеро, ҳозирги замон шароитида олий таълим фақатгина инсон ва жамиятнинг интеллектуал ҳамда маънавий-ахлоқий тараққиёт омили бўлибгина қолмасдан, балки ҳар қандай давлатнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичидир.

Ушбу олий таълим масканида соҳага оид турли конференцияларнинг ўтказилиши ҳам таҳсинга сазовор. Конференциялар доирасида Тошкент Давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари ютуқларининг кўргазмалари ташкил этилиб, тадқиқотларни амалга ошириш йўналишлари бўйича тўпланган кенг кўламли материаллар намойиш қилинади. Бундан ташқари университетда “Энг яхши фундаментал лойиҳа”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг яхши амалий лойиҳа”, “Энг яхши ёш олим лойиҳаси”, “Энг яхши талаба лойиҳаси” номинациялари бўйича танловлар ҳам ўтказиб келинади.

Университетда жами 9 та талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, уларда талаба-ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу олий даргоҳда таҳсил олаётган ёшларнинг ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишига, она Ватанимизнинг янада ривожланиб, равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшиб, юртимизнинг номини юксакларга олиб чиқишига ишонамиз.

## СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

***“Ёшлик” талабалар шаҳарчасида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази эътиборимизни тортди.***

Марказ 2006 йил 31 августда фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунги кунда талаба-ўқувчилар ва жажжи болажонларнинг севимли масканларидан бирига айланган десак, муболаға бўлмайди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Бугунги кунда сув ҳавзаси 1 соатда 120 нафар сузувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, олимпия стандартларига мос қилиб қурилган. Бассейннинг узунлиги 51, эни 21 метрни, чуқурлиги эса ўртача икки метрни ташкил қилади. Умумий сув ҳажми 2150 тонна куб бўлиб, хориждан келтирилган 1,5 тонналик фильтрлар ҳисобига сув 24 соат мобайнида тозаланиб туради.

— Марказимиз нафақат сув спорти турлари бўйича ёшларни чиниқтирадиган муассаса, балки турли мусобақалар ўтказиладиган ва спортчиларни етиштириб берадиган, ёшлар саломатлигини муҳофаза қиладиган, уларга тетиклик ва соғлом турмуш тарзини туҳфа қиладиган маскандир, — дейди Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази директори Чори Саидов. — Талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган маҳаллаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига сув ҳавзасида имтиёзли равишда шуғулланиш имконияти берилган.

Марказнинг умумий майдони 7,5 гектар бўлиб, учта баскетбол, иккита мини-футбол майдончаси ва теннис корти мавжуд. Бу ерда спорт ихлосмандлари ва сув спорти билан шуғулланадиганлар саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

**Саҳифа материалларини Зафар НАЗАРОВ тайёрлаган**
**Ислом Исмоилов ва (ЎзА) олган суратлар**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИДА ЁЗ МАВСУМИДА ТЕЗ БУЗИЛАДИГАН ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САВДОСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ветеринария тўғрисида”ги (“Халқ сўзи”, 1993 йил, 192-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 335-модда) ва “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 239-модда; “Халқ сўзи”, 1997 йил, 214 (1731)-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 17-сон, 131-модда.), 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1257-сонли қарорлари («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 1-2-сон, 4-модда.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 июлдаги 521-ф-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 январда 2185-сон билан рўйхатга олинган “Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 4-5-сон, 38-модда.), 2006 йил 10 августда 1610-сон билан рўйхатга олинган “Савдо шохобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/2, 4, 255-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 31-32-сон, 328-модда) мувофиқ, деҳқон бозорларида ёзги мавсумида тез бузиладиган маҳсулотларни вақтинчалик сақлаш ва сотиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, аҳолини сифатли, кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат Бош санитария врачи томонидан 2000 йил 22 августда тасдиқланган “Деҳқон бозорларига оид санитария қоида-тартиблари ва гигиеник нормативлар тўғрисида”ги 0098-00-сонли санитария қоида ва меъёрлари талаблари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, “Тошбозорсавдо” уюшмасининг мурожаатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси, “Тошбозорсавдо” уюшмаларининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидаги деҳқон бозорларида ветеринария-санитария қоида ва меъёрлари талабларидан келиб чиқиб, суб маҳсулотларини (жигар, ичак, ошқозон, туёқ, ўпка, каллапоча ва ҳоказолар) ҳар йили ёз мавсумида (июнь ойидан октябрь ойига қадар) совутгич ускуналари билан таъминланмаган павильон ва савдо расталарида савдога чиқарилишини тақиқлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар бўлими (Р.Раимов), Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Р.Умаров), Давлат ветеринария бошқармаси (Р.Ҳасанов), “Тошбозорсавдо” уюшмаси (С.Нематуллаев), туман ҳокимлари:

тез бузиладиган суб маҳсулотлар билан белгиланмаган жойларда, шу жумладан бозорлар ҳудудидан ташқари жойларда ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш чоралари кўрилсин.

3. Туман ҳокимлари:

туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари бошчилигида тегишли бошқарма, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг қуйи бўлимлари, Давлат ветеринария бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази масъул ходимларини жалб қилган ҳолда деҳқон бозорларида тез бузиладиган суб маҳсулотлари савдосини тартибга солиш бўйича махсус ишчи гуруҳлар тузилсин;

ташкил этилган махсус ишчи гуруҳлар зиммасига мунтазам равишда тадбирлар олиб бориш ҳамда ўтказилган тадбирлар давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш вазифаси юклатилсин.

4. “Тошбозорсавдо” уюшмаси (С.Нематуллаев), туман ҳокимлари ҳар ой якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлигига ахборот тақдим этиб борсинлар.

5. “Тошбозорсавдо” уюшмаси (С.Нематуллаев):

деҳқон бозорлари, уларнинг шохобчалари ҳамда улар ҳудудида жойлашган барча объектларда тизимли равишда тозалаш ва дезинфекция тадбирлари амалга ошириб борилсин;

савдо расталари оралиқларида чиқиндиларни йиғиш учун махсус чиқинди йиғиш қутилари ўрнатган ҳолда, чиқинди йиғиш майдончаларини тартибга келтириш ва йиғилган чиқиндиларни ҳар куни олиб чиқиб кетилиши ташкил этилсин;

деҳқон бозорлари ва шохобчалари ҳудудида гўшт, сут, парранда тухуми, салат ва қандолат маҳсулотлари савдоси амалга ошириладиган расталарга совутгич ускуналари ўрнатиш бўйича зарурий чоралар кўрилсин.

6. Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Р.Умаров), Давлат ветеринария бошқармаси (Р.Ҳасанов), "Тошбозорсавдо" уюшмаси (С.Нематуллаев):

деҳқон бозорлари ва уларнинг ҳудудида фаолият юритаётган объектларнинг ишчи-хизматчилари ҳамда тадбиркорларнинг белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтганлиги, махсус иш кийимлари билан таъминланганлиги, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш қоидаларига риоя қилиниши, иш жойлари санитария ҳолатининг талаб даражасида бўлиши устидан назорат ўрнатилсин;

аҳоли истеъмоли учун сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг сотилишини олдини олиш бўйича кескин чора-тадбирлар белгилансин;

чорва молларининг каллапочаси ва ички аъзоларининг деҳқон бозорлари ҳудудига тозаланган ҳолда савдога чиқарилиши ташкил этилсин ва доимий назоратга олинсин.

7. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилингандан уч ой ўтгач кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.Абдумажитов ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Р.Умаров зиммаларига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р.Усманов**

*2015 йил 18 август*

Реклама ўрнида


АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Барчангизни халқимизнинг Энг улуғ ва азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан чин қалбдан қутлаймиз.*

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

*Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат доимо ёр бўлсин!*

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ



Xususiy aksiyadorlik tijorat banki RAVNAQ-BANK

24

«RAVNAQ-BANK» ХАТБ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
Ватанимизнинг Энг улуғ ва азиз байрами –
Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт
йиллиги билан чин юракдан муборакбод этади!
Юртимиз равнақи, халқимиз бахт - саодати йўлида
олиб бораётган барча эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН,
ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Халқимизнинг Энг улуғ ва энг азиз байрами — давлатимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги шодиёналари билан барчангизни қизгин муборакбод этиб, Сизга энг самимий меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.*

*Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин.*

*Байрам қувончи хонадонимизни асло тарк этмасин!*

"ZAMIN ENERGO SOZLASH" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



MMS

Истиқлолимизнинг 24 йиллиги айёми билан
барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз
аҳолисини самимий қутлаймиз.
Энг улуғ, энг азиз байрамимиз барчамизга
фақат яхшиликлар олиб келсин.
Оилангиздан тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингиздан қут-барака аримаслигини тилаймиз.
Ўзбекистонимиз бундан-да тараққий этаверсин.
"Magnum Medical Servis"
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

"Magnum Medical Servis"
мамлакатимиздаги корхона, касалхоналар,
сиҳатгоҳлар, тиббиёт хоналари, амалиёт хоналари,
лабораторияларда фойдаланиш учун мўлжалланган
замонавий тиббий жиҳозлар ва махсус
мебеллар ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади.



Кенг ассортиментдаги қуйидаги
маҳсулотларни ишлаб чиқарамиз:
Тиббиёт тарозиси;
Жарроҳлик ускуналари;
Физиотерапевтик ускуналар ;
Хонадаги ҳавони
зарарсизлантириш учун жиҳозлар;
Лаборатория мебели;
Тиббиёт мебели.



Реклама ўрнида

ASAKA BANK

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

"Асака" банкининг ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ жамоаси
Сизларни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги
билан қутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги (сўмда)
янги муддатли омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК – 2015"

Сақланиш муддати – 12 ой,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки
омонат муддати тугагандан
(12 ойдан) сўнг тўлаб берилади.

Мурожаат учун: "Асака" банк
Тошкент шаҳар филиали телефонлари:
120-83-86, 120-83-35.



"Асака" банки сармоянгизнинг сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
– маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
– эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
– миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

## "ТОШКЕНТНОН" УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг қутлуғ
йигирма тўрт йиллиги байрами
билан муборакбод этади.
Элимиз фаровонлиги, юртимиз
тараққиёти йўлида амалга
ошираётган ишларингизда доимо
муваффақият ёр бўлсин.
Ўзбекистонимиз Мустақиллиги
ва тинчлиги абадий бўлсин!

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма
тўрт йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этамиз.
Сизларга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.
Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган
шарафли ва эзгу ишларингизда омад доимо ўнгидан келсин.



Фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:
- газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва
қаровсиз қолдирманг;
- газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида тумангаз
мутахассислари хизматидан фойдаланинг;
- агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз
авария-диспетчерлик хизматларига
(Мирobod тум -254-15-61, М.Улуғбек тум-267-46-24,
Чилонзор тум-278-09-99, Яшнобод тум-296-39-61, Яккасарой тум-255-49-59,
Шайхантоҳур тум-242-39-26, Юнусобод тум-212-52-25, Олмазор тум-248-35-48,
Сергели тум-258-84-33, Учтепа тум-274-44-34, Бектемир тум-295-14-43) ёки
"Тошкентшаҳаргаз" марказий авария-диспетчерлик хизматига
104; 255-44-27, 255-44-29, 253-56-19, 253-56-31
телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан
оқилона фойдаланиш ва сарфланган
газ ҳақини ўз вақтида тўлаш – газ ускуналари
ва қувурларнинг мунтазам текшириб, созлаш
ҳамда таъмирлаш учун имконият яратади.
Хонадонингизнинг тинчлик-хотиржамлиги тарк
этмасин, ҳамиша хурсандчилик ва байрамона
кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

"Тошкентшаҳаргаз" филиали маъмурияти

Хизматлар лицензияланган

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!

GAFUR GULOM NOMIDAGI MADANIYAT VA ISTIROHAT BOG'I

Кириб келаётган **Мустақиллик**
байрами барчангизга муборак бўлсин. Қутлуғ
байрам шукуҳи ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга
қувонч, шодлик, бахт ва омад бахш этсин.



Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин,
дилингизга тугиб қўйган энг эзгу
ниятларингиз рўёбга чиқсин.

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ
БОҒИ ЖАМОАСИ

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*"IEG Uzbekistan" кўргазмалар компанияси жамоаси*
*барчангизни Ўзбекистон Республикаси*
*Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами*
*билан чин юракдан самимий муборакбод этади!*



Сизларни "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар компаниясида
16 сентябрдан 18 сентябргача бўлиб ўтадиган "Uz Energy Expo-2015
/Энергетика" ва "UzStroy Expo-2015/ Қурилиш" кўргазмаларига таклиф этамиз.

16-18 СЕНТЯБРДА SENTABR 2015 | Ўзэкспоцентр O'zekspomarkaz

10- миллий кўргазма UzEnergyExpo
«UzEnergyExpo-2015»
Энергетика / ВИЭ / Энергосбережение / Освещение / Электротехника

5- миллий кўргазма UzStroyExpo
«UzStroyExpo-2015»
Строительство / Отопление и вентиляция / Водоснабжение / Водоочистка / Сантехника



Хизматлар лицензияланган

# ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТ

***Юртимиз ёшлари замонавий билимларни чуқур эгаллаб, иқтидори, салоҳияти, куч-қуввати билан ҳар жабҳада фаоллик кўрсатибгина қолмай, халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.***

Улар бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланган. Энг муҳими, ҳар бир йигит-қиз қалбида Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва эҳтиром туйғуси мустаҳкам қарор топган.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ёшларимиз юртга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуларини байрамга бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар орқали намойиш этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган "Ватанга хизмат қилиш – энг олий саодат" танловида бу яна бир карра ёрқин намоён бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар туфайли ёшларимизнинг билим олишга, халқ корига камарбаста бўлишга иштиёқи кучайиб бораётгани таъкидланди. Улар орасида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли бурчни касб сифатида танлаётганлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарлидир.

Ички ишлар тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш, шахсий таркибни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, ходимларнинг дунёқарашини юксалтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги кун соҳа ходимларидан юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билишдек фазилатларини янада юксалтиришни тақозо этаётир.

Ана шу руҳда таълим-тарбия олган соҳа ходимлари нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган танловда "Мустақиллик ниҳоллари", "Истиқлол умидлари", "Фидойи ёшлар" жамоалари ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Танловда курсантлар ўқув жараёнида эгаллаган билим ва кўникмалари, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳаларда эришилаётган ютуқ ва марралардан яхши хабардорлигини, иқтидор, тафаккур ва санъатда ҳам ўзига хосликларини намоён этишди.

Барча шартларни аъло даражада адо этган "Фидойи ёшлар" жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Август кенгашлари

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

***Учтепа туманидаги 116-умумтаълим мактабида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Таълим сифати — келажак пойдевори" мавзуида халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари доирасида семинар бўлиб ўтди.***

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, умумтаълим мактабларининг раҳбарлари ва услубчилари иштирок этди.

2015-2016 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, таълим муассасалари раҳбарлари, педагогларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, янги ўқув йилида таълим сифатини янада яхшилаш юзасидан устувор йўналишларни белгилаш мақсадида ташкил қилинган. Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда таълим тизимини тубдан модернизация қилишга қаратилаётган эътибор, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши келажак авлоднинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилинаётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир доирасида таълим тизмида касбий маҳоратни шакллантириш, узвийлигини таъминлаш, методистлар фаолиятида самарали натижаларга эришиш мақсадида ҳамкорлик муҳитини яратишга хизмат қилувчи психологик тренинг машғулотлари ўтказилди.

2014-2015 ўқув йили якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар ҳақида ҳисоботлар тингланди.

Жумладан, болаларни мактабга тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш омиллари, бошланғич таълимни мазмунан такомиллаштириш, ўқув жараёнининг методик ва мультимедиа маҳсулотлари, ахборот таъминоти, мактабларда чет тилини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, амалиётга жорий этиладиган вазифалар хусусида фикр юритилди.

Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ошириш, машғулотларда медиа воситаларидан, электрон ресурслардан, Интернет маълумотларидан самарали фойдаланиш хусусида ҳам сўз борди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда шаҳримиздаги қарийб барча мактаблар замонавий компьютер синфларига эга, уларнинг ҳаммаси Ziyo Net тармоғига уланган, тўлиқ электрон дарслик, мультимедиа воситалари билан таъминланган.

Анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган Август кенгашлари таълим жараёнидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва педагог кадрларнинг касб маҳоратларини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир сўнгида таълим-тарбия жараёнидаги самарали фаолияти ва юксак билимни, интеллектуал ривожланган ёш авлодни тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ таълим соҳаси ходимлари Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

* * *

Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактабида Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ўтказилган анъанавий Август кенгашларининг ялпи шўъба йиғилиши "Математика, информатика ва физика фанлари ўқитувчилари учун" деб номланди.

Анжуманда 120 нафардан ортиқ ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.

Ўқитувчининг дарс жараёнида замонавий педагогик технологиялар, янги инновацион технологиялардан фойдаланиши, ҳамда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун мультимедиа дарсларини ташкил этиш ва уларни таълим муассасаларида татбиқ қилиш масалалари анжуманнинг асосий йўналишини ташкил этди.

Шунингдек, анжуманда умумтаълим мактабларида таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, яратилаётган электрон ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги таҳлил этилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

Реклама ўрнида




Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

# ЭКОЛОГИК АКЦИЯ

***Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Тошкентдаги Ботаника боғида "Биз, баркамол ёшлар Ватан ободлиги ва озодалигига масъулмиз!" шиори остида экологик акция ташкил этилди.***

Унда депутатлар, Экоҳаракат ва унинг "Ёшлар қаноти" фаоллари, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ушбу акциядан кўзланган мақсад ёш авлоднинг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, уларни она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, пойтахтимиз озодалиги ва ободлигига ҳисса қўшишдан иборат. Экологик акция давомида мутахассислар ёшларга атроф-муҳит мусаффолиги, инсон саломатлигини асрашда яшил ҳудудларнинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи каби масалалар юзасидан атрофлича маълумотлар берди.

– Олтмиш олти гектар майдондан иборат ушбу боғда икки минг тўрт юздан зиёд ўсимлик турлари парваришланади, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти директори Комилжон Тожибоев. – Бу ерда кўплаб ноёб ўсимлик турларини кўпайтириш чоралари кўрилаётир. Ушбу экологик акция боғ ҳудудини турли чиқиндилардан тозалаш ва янада чирой очишида муҳим аҳамиятга эга.

**Азима ҚИЁСОВА.**
**(ЎзА)**

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**I.** Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Бектемир тумани СИБ томонидан: Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилларни сақлаш майдончасида сақланаётган: **1.** 14.09.2009 йилдаги 1-674-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 827 321,40 сўм, 1963 йилда и/ч., дав/рақ: 11K2070 бўлган, "М-21 УС" русумли носоз; **2.** 16.02.2010 йилдаги 1-45-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 125 330,53 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 11I1541 бўлган, "Москвич-412" русумли носоз; **3.** 22.08.2013 йилдаги 1-216-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 68 038 320,38 сўм, 1999 йилда и/ч., дав/рақ: 01O090BA бўлган, "Мерседес Бенц" русумли носоз; **4.** 7.03.2012 йилдаги 2-24-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 620 918,10 сўм, 1983 йилда и/ч., дав/рақ: 11X8782 бўлган, "Москвич-412" русумли носоз; **5.** 12.02.2013 йилдаги 1-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 191 665,26 сўм, 1991 йилда и/ч., дав/рақ: 01/823 NBA бўлган, "ГБАСПГ КАВЗ 3271" русумли носоз; **6.** 12.02.2013 йилдаги 1-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 700 429,46 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 01/935 TBA бўлган, "ГБАСПГ ГАЗ 5202" русумли носоз; **7.** 7.05.2014 йилдаги 1-363-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 26 000 000 сўм, 2005 йилда и/ч., дав/рақ: 01V832HA бўлган, "Нексия" русумли; **8.** 14.03.2014 йилдаги 1-30-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 047 000 сўм, 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 01S513EA бўлган, "ГБАСПГ ГАЗ 24" русумли; **9.** 26.11.2013 йилдаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 28 332 366 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10Q342FA бўлган, "Нексия" русумли; **10.** 11.04.2014 йилдаги 1-306-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 31 794 741,80 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10E718GA бўлган, "Нексия" русумли; **11.** 8.04.2013 йилдаги 1-74-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 293 305,51 сўм, 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 10R769CA бўлган, "ВАЗ-2103" русумли; **12.** 26.11.2013 йилдаги 1-414-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 20 670 639,60 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ: 01V984AA бўлган, "Матиз" русумли; **13.** 14.03.2014 йилдаги 1-30-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 376 000 сўм, 1990 йилда и/ч., дав/рақ: 10R095EA бўлган, "ГАЗ 24" русумли; **14.** 13.03.2014 йилдаги 1-183-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 18 884 126 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 01X153EA бўлган, "Матиз" русумли; **15.** 20.05.2014 йилдаги 1-126-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01C274KA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситалари.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

**II.** Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан: 1739/3-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 1-муюлиш, Муқимий кўчаси, 3-уй манзили бўйича сақланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси – 20 034 366 сўм, 2003 йилда и/ч., дав/рақ: M0053, "Хундай H 1" русумли носоз; **2.** Бошланғич баҳоси – 48 233 689 сўм, 2001 йилда и/ч., дав/рақ: M3727, "Тойота ЛАНД КРУЗЕР" русумли носоз; **3.** Бошланғич баҳоси – 26 566 736 сўм, 2005 йилда и/ч., дав/рақ: M4896, "Тойота RAV4" русумли носоз; **4.** Бошланғич баҳоси – 19 890 109 сўм, 2002 йилда и/ч., дав/рақ: M5144, "Тойота RAV4" русумли носоз; **5.** Бошланғич баҳоси – 50 004 700 сўм, 1996 йилда и/ч., дав/рақ: M6050, "ФОРД" русумли носоз; **6.** Бошланғич баҳоси – 37 946 700 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: M7210, "ISUZU SAZ NP 37" русумли носоз; **7.** Бошланғич баҳоси – 37 946 700 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: M7211, "ISUZU SAZ NP 37" русумли носоз; **8.** Бошланғич баҳоси – 37 327 500 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: M7933, "SAZ NPR 66LL" русумли носоз автотранспорт воситалари.

Аукцион савдоси 2015 йил 29 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

**III.** Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: 8.07.2015 йилдаги 27012/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Автомото-Ҳаваскор Ганга сервис" ШК автоуловларни сақлаш майдонида сақланаётган: Бошланғич баҳоси – 9 474 736 сўм, 1996 йилда и/ч., дав/рақ: 01Z352RA, "ГАЗ-210290" русумли автотранспорт воситаси.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13.

**Гувоҳнома № 006795.**






Реклама ўрнида

NBU



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Республикамиз аҳолисини Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади ҳамда миллий валютада янги муддатли омонатларнинг амалга киритилганлигини маълум қилади:

| "Истиқлол" | "Даромадли" |
| --- | --- |
| • Сақлаш муддати - 2 ой;<br>• Ҳисобланган фоизлар олдиндан бўнак сифатида ёки мижоз хоҳишига кўра, омонат муддати тугагандан сўнг тўланади;<br>• Бошланғич бадал миқдори – 1 000 000 сўм;<br>• Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;<br>• Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йилнинг 17 августидан 1 ноябрига қадар амалга оширилади. | • Сақлаш муддати - 1, 2, 3 ва 6 ой;<br>• Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади ва талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;<br>• Қўшимча бадаллар қабул қилинади;<br>• Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган;<br>• Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йилнинг 17 августидан то омонат бекор қилингунига қадар амалга оширилади. |

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.**
**www.nbu.com**

Хизматлар лицензияланган.

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ЖАМОАСИ

*Жаннатмакон юртимизнинг меҳнатсевар, меҳмондўст халқини Энг азиз ва энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг муборак 24 йиллиги билан самимий қутлайди. Мамлакатимиз равнақи, ёрқин истиқболи йўлидаги ишларингизда омад тилаймиз. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, қарияларимиз саломат, ёшларимиз эса бахтли-саодатли бўлишсин. Муқаддас заминимизда истиқлол куйлари ҳамиша янграсин!*



# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*Барчангизни Энг улуғ неъмат – эркин ва обод Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами билан самимий қутлаймиз.*

*Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз.*

*Қалбимиздан Мустақиллик шукуҳи ҳеч қачон аримасин!*



**"CHINOZ TEXTILE" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

# ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, СОҲА ХОДИМЛАРИ!

Барчангизни давлатимиз Мустақиллигининг қутлуғ 24 йиллиги шодиёналари билан эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда қутлаймиз.

Байрам ҳаммамизга кўтаринки кайфият, оилавий ҳаётимизга бахт-саодат улашсин. Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг Мустақиллиги абадий бўлиб, доимо юксалиш ва тараққиёт сари одимлаб борсин, юртимиз номи жаҳонда янада баралла янграйверсин.

Халқимизнинг ризқ-рўзи ҳамиша зиёда, толеи баланд бўлсин!




Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини байрамолди савдоларига таклиф этамиз.
Манзилимиз: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 17-уй.
Телефон: 233-62-88.

**"ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Маҳсулотлар сертификатланган

**МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**




## Спорт янгиликлари

***Мирзо Улуғбек туманидаги 208-ўрта таълим мактабининг вояга етмаган ёшлари ўртасида спортнинг техник ва амалий турларидан авиамодель ва пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.***

# СОҒЛОМ ВА ЖАСУР СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган мусобақа ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, соғлом ва бақувват этиб тарбиялаш, глобаллашув даврида ёшларни турли зарарли таъсирлар, бузғунчи ғоялардан асраш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда тумандаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган ёшлар қатнашди. Пневматик милтиқдан ўқ отишда ўғил ва қизларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Мусобақа ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етишида спортнинг аҳамияти катта, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Мирзо Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Феруза Турдиева. — Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодини юзага чиқариш, ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини уйғотиш ва шу қаторда спортга бўлган қизиқишларини орттириш, уларга юрт ва тинчлик деб аталган бебаҳо неъматларнинг моҳиятини англатишга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Мусобақада фаол иштирок этган барча қатнашчилар бошланғич ташкилот томонидан қимматли совғалар билан тақдирланди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ЎСМИРЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ РЕЖАЛАРИ

***Мамлакатимизнинг ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси 31 август куни Қатарга йўл олиб, 2 ва 4 сентябрь кунлари Қатар ўсмирлар терма жамоасига қарши иккита назорат баҳсида майдонга тушади. Мазкур ўйинлар орқали Фаластинда ўтадиган саралаш баҳсларида қайси футбочиларга асосий таркибдан жой ажратилиши ҳақида якуний хулосага келинади.***

Маълумки, ўсмирларимиз август ойида Хитойда техник, тактик ва жисмоний жиҳатдан хато ва камчиликларни бартараф этиш борасида машғулотлар ўтказишди. Шунингдек, Темур Олимхўжаев шогирдлари Хитойда дастлаб мўғулистонлик тенгдошларига қарши тўп суриб 12:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ўйинда эса мезбонлар билан куч синашиб 0:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Таъкидлаш жоизки, хитойликлар ёш жиҳатдан юртдошларимиздан бир ёшга катталиги ўйин натижасига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Эслатиб ўтамиз, 16-20 сентябрь кунлари Фаластинда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш беллашувларида Мальдив ороллари, Фаластин ва Яман ўсмирлар терма жамоалари футболчиларимизга рақиблик қилишади.

***Жорий йил 7-12 сентябрь кунлари эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоалар таркиби эълон қилинди.***

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Маълумки, мазкур жаҳон чемпионатида 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари учун йўлланмалар берилади. Яъни, ҳар бир вазн тоифасида 1-6 ўринларни эгаллаган спортчилар келаси йили Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Амалдаги қоидаларга кўра юнон-рум кураши бўйича -59, -66, -75, -85, -98, -130 килограмм, эркин кураш бўйича -57, -65, -74, -86, -97 ва -125 килограмм ҳамда аёллар курашида -48, -53, -58, -63, -69, -75 килограмм вазнларда Олимпиада йўлланмалари ўйналади.

Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини қуйидаги курашчилар ҳимоя қилишади: эркин кураш – Маҳмуджон Шавкатов (-57 кг), Ихтиёр Наврўзов (-65 кг), Бекзод Абдураҳманов (-70 кг), Рашид Қурбонов (-74 кг), Умиджон Исманов (-86 кг), юнон-рум кураши – Элмурат Тасмурадов (-59 кг), Александр Лохов (-66 кг), Нурбек Холмуҳамматов (-71 кг), Нурбек Хошимбеков (-75 кг), Бесики Солдадзе (-80 кг), Рустам Ассакалов (-85 кг), Жаҳонгир Турдиев (-98 кг), аёллар кураши – Даулетбике Яхшимуратова (-48 кг), Зуҳра Мустанова (-53 кг).

Шунингдек, жаҳон чемпионати ҳакамлари таркибидан Константин Михайлов ва Тоҳир Ғуломов каби юртдошларимиз ҳам ўрин эгаллашган.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# МЕДИА-ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ




Окил Ғуломов олган сурат

***Пойтахтимизда "Озод юрт тўлқинлари" VIII анъанавий медиа-фестивали ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар миллий медиа соҳа жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча шароит ва имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси медиа соҳа ривожида янги истиқболларни очиб берди.

Соҳа равнақи учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида маблағлар ажратилаётгани юртимизда оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган улкан эътиборнинг ифодасидир.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ижтимоий акция ва лойиҳалар, ижодий танловлар ўтказиб келинаётгани ушбу эътиборнинг яна бир яққол намунасидир. "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали ана шундай тадбирлар сирасидан.

"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган бу йилги фестивалда истиқлолнинг, унинг саодатли неъматлари, улкан имкониятларини, ўтган йигирма тўрт йил давомида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга содда, самимий ва таъсирчан лавҳалар ёрдамида тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳада юртимиздаги жамоат телерадиостанциялари жамоалари ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашди. Танлов учун тақдим этилган ишлар "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган энг яхши дастур", "Энг яхши медиа-лойиҳа", "Энг яхши телестанция", "Энг яхши радиостанция" каби номинациялар бўйича аниқланди.

– Ижодий жамоамизнинг туркум лавҳалари "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган энг яхши дастур" номинациясида ғолиб топилганидан ғоят бахтиёрмиз, – дейди Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ёшлар телестудияси лойиҳа раҳбари Бахтиёр Сафаров. – Мустақилликнинг, юртимиздаги тинч ва фаровон ҳаётнинг тенгсиз неъмат эканини юртдошларимизга тушунтириш, улардаги фаол фуқаролик позицияси, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланишига хизмат қилиш бизнинг бурчимиздир.

Ғолиб ва совриндорларга фестиваль статуэткаси, диплом ва совғалар топширилди. Тадбир доирасида "Менинг юртим – менинг фахрим" ижтимоий акцияси ғолиблари ҳам тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан ажратилган давлат грантлари соҳибларига сертификатлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Мактаб бозори

# ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

***Мамлакатимизда ҳар йили янги ўқув йили арафасида мактаб ярмаркалари ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу ота-оналарга барча ўқув қуролларини харид қилиш учун яратилган қулай имкониятдир.***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида савдо тармоқлари юртимизда ишлаб чиқарилган, юқори сифатли ўқув қуроллари билан таъминланмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод деҳқон бозорида ташкил этилган мактаб ярмаркасида ҳам юртимизда ишлаб чиқарилган кенг турдаги маҳсулотларни кўриш мумкин. Бу ерда турли канцелярия маҳсулотлари, китоб ва дарсликлар, болалар кийим-кечаги, мактаб формаси, пойабзал, спорт кийимлари, сумка ва портфеллар тақдим этилган.

– Бу биз учун жуда қулай, – дейди ЎзА мухбирига Анора Асадова. – Негаки, мактаб учун зарур ҳамма нарсани шу ернинг ўзида сотиб олиш мумкин. Ушбу хилма-хил маҳсулотларнинг сифати ва нархи ҳам бизга маъқул.

Ярмаркада тақдим этилган маҳсулотлар сифати ва уларнинг стандартларга мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан назорат қилинмоқда. Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда маҳсулотлар нархи сунъий тарзда ошиб кетишининг олдини олиш ва ярмаркаларда тўлов терминаллари узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Умумтаълим мактабларида ташкил этилган ярмаркалар ҳам ўқувчилар ва ота-оналар билан гавжум.

– Мактабимизда 2015/2016 ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилмоқда, хусусан, мактаб ярмаркаси очилди, – дейди пойтахтимиздаги 235-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Нигора Саиджонова. – Бу ерда 26 турдаги ўқув анжомлари савдоси йўлга қўйилган. Ярмаркага келган ота-оналар улар учун яратилган бундай шароитдан миннатдор.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедовнинг айтишича, янги ўқув йилида 631 минг ўғил-қиз биринчи синфга боради. 2 сентябрь куни уларнинг ҳар бирига 12 турдаги дарслик ва ўқув анжомлари – Президент совғаси топширилади. Кам таъминланган, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари мактаб формаси, қишки кийим-кечак ва пойабзал билан ҳам таъминланади.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда 970 умумтаълим мактаби, 232 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 398 бозор, 276 йирик савдо мажмуасида ташкил этилган мактаб ярмаркаси, шунингдек, тоғли ва чўл ҳудудларида юзга яқин автодўкон 10 сентябрга қадар аҳолига хизмат кўрсатади.

**М.ҚАРШИБОЕВ**

# ЖАВЛОН УРАЁТГАН БУНЁДКОРЛАР

***Ўзбекистон равнақи учун тун-у кун меҳнат қилаётган бунёдкор ёшларимиз юртимизнинг турли чеккаларида қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларида жавлон урмоқдалар. Олий ўқув юртларига ҳарбий имтиёз билан қабул қилинган талабаларимиз ҳам бу вазифани шараф билан адо қилишмоқда.***

Хусусан, Тошкент Фармацевтика институти талабалари, шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол ёшлари ҳам ҳозирда шаҳримизнинг 11 та тумани бўйлаб ҳар хил қурилиш объектларига бириктирилган.

— Ҳозирда биз бир неча кундан буён ўз институтимизнинг таъмирталаб биносида ишламоқдамиз. Мана шу кунлар бошқа ҳудудлардаги иш кунларимиздан ажралиб туради. Чунки биз ўз институтимиз, яъни, иккинчи уйимизни обод қилмоқдамиз. Умуман, бундай бунёдкорлар сафида эканлигимдан фахрланаман, — дейди мазкур институт талабаси Баҳодир Файзиев.

Бу сингари лойиҳалар ва унда иштирок этадиган ёшларимиз сафи кенгаяверсин. Зеро, бунёдкор ёшлар юртга мададкор.

**Наргиза КАРИМОВА,**
**Тошкент Фармацевтика институти талабаси**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **28 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6541 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 16.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5